

2003 йил — Обод маҳалла йили



Маҳаллаларимизга хос ўзбекона удумлардан бири — меҳмоннавозликдир. Халқимиз шодиёна кунларини маҳалладошлар, қариндош-уруғ, дўсту ёрлар даврасида нишонлашни одат қилган. Барча тўй ва маросимларни маҳалла аҳли иштирокисиз тасаввур эта олмаймиз.

Жиззах шаҳри маҳаллалари ҳам бундан мустасно эмас. Шаҳарда 32 та маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Шундан 16 тасида гузарлар ташкил этилган. 28 минг хонадонда 136 минг киши истиқомат қилади. «Тошлоқ» маҳалласи шаҳарнинг энг намунали маҳаллаларидан ҳисобланади. Унга тажрибали ва ишбилармон Тойир Аҳмедов раислик қилиб келмоқда. Кейинги пайтда маҳаллада талай яхши ишлар амалга оширилаётган.

— Худудимизда 11 та кўча, 30 та кўп қаватли уйлар жойлашган, — дейди Тойир Аҳмедов.

Тўй комиссияси ишидан барча мамнун

— Маҳалладошларимиздан 12 нафар фаол кўча оқсоқоллигига сайланган. Улар билан бамаънафит иш олиб бораёلمиз. Шунингдек, 7 та комиссия маҳаллаларидан ҳисобланади. Унга тажрибали ва ишбилармон Тойир Аҳмедов раислик қилиб келмоқда. Кейинги пайтда маҳаллада талай яхши ишлар амалга оширилаётган.

— Худудимизда 11 та кўча, 30 та кўп қаватли уйлар жойлашган, — дейди Тойир Аҳмедов.

миссияга маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раисаси Ширин Азизова раҳбарлик қилади. У маҳалла аҳлининг бошини бир жойга қовуштира олади.

ёшлар маркази»да тўй-маросимлар ўтказиш зали бор. 350 ўринли бу залда барча шарт-шароитлар етарли. Ҳатто ошпазу хизматчилар, санъаткорлар

лаштириш корхонаси раҳбари Холдор Файзиев, шаҳар автоўл корхонаси бошлиғи Зокир Мансуровларнинг саховатли ишлари мақтовга сазовордир. Ҳар йили 300-400 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Ёлғиз кексалар, ногирон, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб туришибди.

Айни кунларда Наврўз олди ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш олийги ташкил этилиб, жойлар тартибга келтирилмоқда. Ховли ва кўча четларига, бўш жойларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Бу ишларда маҳалланинг етти ёшидан етмиш яшаригача иштирок этишяпти.

лаштириш корхонаси раҳбари Холдор Файзиев, шаҳар автоўл корхонаси бошлиғи Зокир Мансуровларнинг саховатли ишлари мақтовга сазовордир. Ҳар йили 300-400 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Ёлғиз кексалар, ногирон, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб туришибди.

Айни кунларда Наврўз олди ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш олийги ташкил этилиб, жойлар тартибга келтирилмоқда. Ховли ва кўча четларига, бўш жойларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Бу ишларда маҳалланинг етти ёшидан етмиш яшаригача иштирок этишяпти.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» муҳбири.

Ҳуқуқ ва қафолат

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАНГИЗ КИМДА?

Инсон борки, яхши яшасам дейди, шу боис астойдил меҳнат қилади. Зеро, касб-корнинг яхши-ёмони йўқ. Айниқса, қишлоқда улғайиб деҳқончилик аъналарига содиқ қолаётганлар кўп. Улар меҳнатнинг сир-асрорларини пухта эгалаб, ердан мўл ҳосил олишни кўзлайди. Ер ўз соҳиблари кўлига ўтган, далада ишлаш иштиёқи янада кучайди. Масалан, биргина Сирдарё вилоятида қарийб 35 минг нафарга яқин киши фермерларга тегишли далаларда, боғларда, чорвачилик фермаларида тер тўкмоқда. Уларга ҳақ тўлаш, моддий таъминотини юксалтириш тадбиркорлар зиммасида. Бирок, аксарият фермер хўжаликлари ишчилар билан ҳамкорликни кўпроқ оғзаки тарзда адо этишга одатланиб қолишган. Оқибатда иш юриштида Меҳнат Кодекси қоидалари, ишчиларнинг қонуний манфаатлари ўз ифодасини топмасдан келяпти.

Ҳўш, тадбиркор иш берувчилар ва ишчилар ўртасидаги меҳнат муносабатлари қай йўсинда шаклланапти? Фаолият меҳнат қонунлари доирасида юриштиратиши? Қолаверса, ишчи меҳнатини ифодаловчи жамоа шартномалари, меҳнат битимлари қандай риоя этиляпти?

— Меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилиши юзасидан 3603 та фермер хўжалигида мониторинг ўтказдик, — деди Сирдарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси меҳнат ҳуқуқи нозирини Мухаммадхон Абдурахмонов, — 29235 нафар ишчи хусусий секторда меҳнат қилмоқда. Далада ишлаганларнинг атиги 35,6 фоизи билангина меҳнат шартномалари тузилган, холос. Аксарият ҳолларда ҳодимларнинг меҳнат дафтарчалари ўзларида сақланганлиги аниқланди.

Уч мингдан ошқ фермер хўжалиги раҳбарлари меҳнат қонунларидан мутлақо беҳабар. Чунки, улар ўз хўжаликларида жамоа шартномасини имзолаш, ишчи-ҳодимлар сони жадалини тузиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаган. Хўжа-

ликда қанча аъзо ишлаши бирон бир ҳужжатда ўз аксини топмаган. Ишга жалб этилган фуқаро буйруқ ёки қарор асосида ишга қабул қилиниб, вазифасидан озод этилмаган. Ҳақ тўлашда ишловчиларга иш ҳақи ҳисобланмасдан нақд пул асосида ҳисоб-китоб қилишга ўрганилган.

Фермерлар даласида ишлаётган ҳодимларнинг 22314 нафаридан меҳнат дафтарчалари мавжуд. 16889 нафар ҳодимнинг меҳнат дафтарчаси иш жойида, 5425 нафариники эса ўзларида сақланмоқда. Афсусланарли ҳолат шундаки, 6921 фуқаро учун меҳнат дафтарчалари ҳатто очилмаган. Аксарият ишчилар қонунда кўзда тутилган имтиёзлардан бебаҳра бўляпти. Фермер хўжалиги раҳбарлари меҳнат шартномаларининг мазмуни, аъзоларнинг ва иш берувчининг мажбурияти ҳамда масъулиятини ёрқин аниқлаш қийин. Бу ҳолат уларнинг қонун олдидаги бурчларини бажаришда муаммолар туғдириши унутиб қўйилмоқда.

Мониторинг ўқишидан мақсад хўжаликларда авж олаётган юқоридаги каби қонунбузарликларга чек қўйиш эди. Хўжалик раҳбарлари тадбир довомида иш берувчи бурчи ва қафолатлари, зиммасига тушадиган мажбурият билан таништирилди. Улар нафақат меҳнатни муҳофаза қилиш, балки ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат меъёриларини ортғи билан бажарган ҳодимларни рағбатлантириш юзасидан ҳам тегишли йўл-йўриқлар олдилар.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликлари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ҳам етарли даражада деб бўлмайди. Кўпчилик фермерлар жамоаларида ташкилот билан алоқа мутлақо узил-қолган. Оқибатда, меҳнатқаш ижтимоий ҳимояси, меҳнат муҳофазаси ва яна бир қанча имтиёзлардан маҳрум бўлиб қоляпти. Бу тадбирлар касаба уюшмаси вилоят кенгашида чуқур таҳлил этилмоғи шарт.

Қонун барчага баробар. Унинг устуворлигига амал қилинган жойда ишнинг яхши кетиши табиий. Бу оддий ҳақиқат ҳар биримизга дастуруламал бўлмоғи даркор.

Ш.НУРИЕВ.

УМИД ИЛА ЯШАЙДИ ИНСОН

Йиллар ва одамлар

Кўклам нашидаси барчанинг дилига сурур бағишлайди. Эртага хотира ва қадрлаш кунини. Чорибобонинг хонадонини фарзандлари, қариндош-уруғлари, дўст-ёр жамулжам бўлади. Чорибобо уруш хотираларидан сўзлайди. Ҳойнаҳой Тошкентдан суякли набиралари Улуғбек билан Отабек ҳам келади. Шунинг учун Дилбар опанинг кўзи йўлда. Тик этса эшикка термулади. Бирок, негадир кўнглига гашлик чўккан. Кўли ишга бормайди. Болаларидан эса дарак йўқ. Тошкентга сим қоқди. «Азонда йўлга чиқишди», — деб айтди. Аллақачон етиб келишлари керак эди-ку.

Шахрисабз осуда уйкуда. Ёлғиз угина бедор. Тонгга яқин кўзи илинибди. Телефон жиринглади. Гангиган кўйи гўшакни олди.

...Болаларингиз Тахтақорача доводни автомобил халокатида учрабди. Илоҳи бори-ча тезроқ келинлар...

Онаизорнинг кўз ўнги

коронгулашди.

Уша кунлари Дилбар опа дунёга сизмасди. Аммо қанчалик оғир бўлмасин иродасини кўлга олиб, ўзини ишга урди. Кунлар эса бир-бир ўтаверди. Вақтнинг ўзи ҳар қандай дардни даволоччи ҳакам.

У ҳам югангандай бўлди. Ёдгори набираси Азизжоннинг буйига, уйига қараб Улуғбекка менгзиб юраверди. Шу пайтгача боши тошга тегмаганди. Баъзан ўтириб ўйга толади. Утган кунларни сарҳисоб қилади. Сўнг дилини шукроналик ҳисси қамрайди. Ҳуқуқ соҳасини танлаб ёмон бўлгани йўқ.

Университетнинг юридик факультетини битиргач, мақсад сари дадил интилди. Масъулиятли вазифаларда ишлади. Яқабоб ва Китоб туманлари прокурори ёрдамчиси, Китоб туман халқ судининг раиси, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, Чи-

роқчи туман прокурори, яна Китоб туман судининг раиси ва икки муддатдан бери эса Шахрисабз туман судининг раисаси.

Адлия бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб юрган пайтларидан вилоят хотин-қизлар қўмитасининг фахрий раисаси ҳам эди. Шунинг учун кўлига келиб тушаётган хатларга асло бефарқ бўла олмасди. «Пахта иши» бўйича жабр кўрганлар, уларнинг оила аъзолари мадад сўрашарди. Дилбар опа одамларни мушкулани осон этиш учун тиним билмади. Қарши билан Рашид Равшановларни ўзининг ус-този деб билди.

Бир пайтлар ҳуқуқ дунёсида Насиба Раҳматуллаева номи алоҳида тилга олинар, Дилбар эса унга жуда ўхшагиси келарди. Унга ўхшамади. Бирок ўзига хос, ундан кам бўлмаган мавқега эришди.

Хотиралар сира тарқ этмайди.

довдай инсон унга умрдош бўлди. Оғир кунларда бир-бирларига ҳамкор, мададкор бўлишди. Касбга садоқатни амалда намойиш этишди. Аҳил ота-она фарзандлари Отабек ва Умида-ри ҳам элнинг дуосини олиб юришибди. Отабек Муродов республика прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси. Агар Улуғбек ҳаёт бўлганида эди.

Дилбар опа Қашқадарёнинг энг яхши ҳуқуқшуносларидан иш ўрганди, сабоқ олди. Холбобо Хуррамов, Рустам Мамадиев, Рашид Равшановларни ўзининг ус-този деб билди.

Бир пайтлар ҳуқуқ дунёсида Насиба Раҳматуллаева номи алоҳида тилга олинар, Дилбар эса унга жуда ўхшагиси келарди. Унга ўхшамади. Бирок ўзига хос, ундан кам бўлмаган мавқега эришди.

Хотиралар сира тарқ этмайди.

Ўтган сирташвиш кунлар ҳатто тушларига қиради. Айниқса, Чироқчида ишлаган даврининг ўзи бир детектив китоб. Прокурорлик оғир, ўта масъулиятли вазифа, айниқса аёл учун. Хўшбичим, нозиккина Дилбарга Чироқчидай мураккаб жойда ишлаш осон кечмаганди. Уша йилларда поёнига етмаган бирорта иш бўлгани йўқ.

Юз берган ушбу воқеа ҳеч ёдидан чиқмайди. Янги йил кечаси эди. Дилбархон ишдан кеч қайтди. Оила аъзолари кутиб ўтиришарди. Ҳаммининг чехрасида байрам кайфияти ҳукмрон. У дастурхон тузашга киришди. Бехосдан телефон жиринглади. Истар-истамас гўшакни кўтарди.

— Алло, эшитаман.

— Пақана қишлоғидан ўлик топилди. — Ташвишли оҳангда деди ёрдамчиси.

— Ҳозир бораман.

Уша тун уйда бўлмади. Янги

йилни Пақана қишлоғида ўтказди. Иш мураккаб эди. Излар йўқотилган. Прокурорнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам боши қотган. «Кўшиллар билан яна бир гаплашиб кўриш керак», — деди у.

Марҳум билан ён қўшни ховлиснинг ўртасида девор йўқ эди. Яқиндагина ювиб осиб қўйилган кир беҳитиёр унинг эътиборини тортди. — Қизиқ, нега эркак кийимлари ярмигача ювилган? — деди у ёнидагиларга.

— Қарангларчи, ким бор. Олдинги сўроқда четда қолганлардан бордир.

Адашмаганди. Ичкаридан ёшгина ҳомилдор жувон чиқиб келди. У олдин кўринмаганди.

— Бу ким? — сўради прокурор.

— Уй эгасининг келини. Укасининг хотини.

Тажрибали юрист бу ерда бир сир борлигини дарров фаҳмлади.

— Кирни сиз ювдингизми?

— Ҳа, — деди у ердан кўз узмай.

— Нега ярмини ювдингиз?

У сукут сақларди.

— Бу кимнинг кийими ўзи?

— Қайноғамники.

Келин шундай дея йиғлаб юборди.

— Айтишга кўрқаман, — деди у.

Прокурор сирни очмасликка сўз берди. Келин кўшнни қайноғаси бехосдан ўлдириб қўйганлигини айтди. Қотил қонунга биноан жазосини олди.

Дилбар Муродова хизматлари бесамар кетгани йўқ. Энг аввало у қадр топди. 1994 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» унвони берилди.

У бахтли аёл. Юрагида фақат бир армон бор. У ҳам бўлса — Улуғбек. Инсон бугун ненидир топиб-йўқотиб, эртадан умид қилиб яшайверади. Умр фалсафаси шу. Набираси Азизжонни бағрига босиб Дилбар опа доимо шу ҳақда ўйлайди.

Шарофат НОРКУЛОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Юртимиз аёллари ҳамда соҳада меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларни яшариш, янгилашни фасли — Баҳор, шунингдек, 8-март хотин-қизлар байрами билан муборакбод этади.

Мустақил Ўзбекистонимиз келажаги бўлмиш ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли, ўта шарафли ишингизда муваффақият ёр бўлсин!



